

Намозни хушуъ ва хузуъ ила ўқиш | Ҳадис дарслари (330-дарс)



19:00 / 28.05.2025 1870

كُنْتُ جُتُّ اَلْاَقَمَّ لَسَوَّهَ لَعْلَلَّ اَلَّصَّ بَّيِّنَ لَ اِنَّ عَ، اِنَّ عَ لَلَّ اِيضَ رَدُّوْغَسَمَّ يَبَّ اِنَّ عَ
دُوْجَّ سَلَّ اَوْعُ وُكَّرَلَّ اِي فُ هَظَمَّ ي قِيَّ اِنَّ حَلَّ جُّ لَّ اَ اَلَّ صَ

Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Токи рукуъда ва сужудда белини тўғри тутмагунича кишининг намози мукаммал бўлмас», дедилар».

Демак, намоз қоникарли бўлиши учун унинг рукуъси, сужуди ва бошқа арконларини жойига қўйиб, хушуъ билан ўқимоқ керак. Рукуъни чала қилиш ёки унда қийшайиб туриш, шунингдек, саждада белни нотўғри

тутиш билан намоз қониқарли бўлмайди.

مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَعٌ لَلِصَّوِّهِ لَلِوَسْرِ تَيَّارٌ لَأَقُوهُ نَعُّهُ لَلِصَّوِّهِ بَأَنَّ عِيْفَرَطُمُ نَعْنَعِ
نَسَّ لَبَّاحُ صَأْمُهُ أَوْرَاءَ كُبُلِ نَمَلٍ جَرْمُ لَأَوْ حَرِّ لَأَزِي زَأْ هَرْدَصِ يَفَوْ يَلَّصُ ي

Муторрифдан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганларини кўрдим. Кўксиларидаги йиғидан тегирмоннинг ёки қозоннинг овозига ўхшаш овоз чиқиб турар эди».

Иккисини «Сунан» эгалари ривоят қилганлар.

Аввало ҳадиси шарифнинг ровийси Муторриф розияллоҳу анҳу билан танишиб олайлик:

Муторриф ибн Абдуллоҳ ибн Шиххийр ал-Омирий, кунялари Абу Абдуллоҳ.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаётлик даврларида Басрада таваллуд топдилар. Ишончли ҳадислар ривоят қилувчи улуғ тобеъинлардан эдилар.

Ҳадисларни оталаридан, Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Аммор ибн Ёсир, Абу Зарр, Усмон ибн Абул Осслардан ривоят қилганлар.

Муторриф ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу ҳижратнинг 87-йили Басрада вафот этдилар.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам биринчи намозхон бўлиб, намоз ўқишни бошқаларга ўргатганлар, намоз нималигини ҳаммадан яхши англаб етганлар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, хушуъ ва хузуъсини жойига қўйиб ўқиганлар.

Бу ривоятдан кўриниб турибдики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, хавф босиб, йиғи тутар ва кўксиларидан тегирмон ёки қозоннинг қайнашига ўхшаш овоз эшитилиб турар экан.

Энди ўзимиз ҳақимизда ўйлаб кўрайлик. Намоз ўқиганимизда бизни қандай хавф босади?! Кўксимиздан Аллоҳ таолодан қўрқинч йиғиси эшитиладими?! Ёхуд намозда аъзоларимизнинг барчаси ибодатга берилиб, сукунатга тўлиб, қалбларимиз ўз Роббисига чамбарчас боғланиб турадимми?..

Зеро, биз ҳам, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрнак олиб, намозни хушуъ ва хузуъ ила ўқишга одатланмоғимиз лозим.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобининг 5-жузи

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 23 январдаги 03-07/362-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.